

Совет тарихшунослигида «босмачилик харакати»га карши олиб борилган кураш тарихига, яъни голиб томон тарихига оид кўплаб адабиётлар, тарихий асарлар бор-у, аммо маглуб томон — «босмачилик харакати»нинг ўзи тўгрисида илмий тадкикотлар деярли яратилмади. Хорижий мамлакатларда эса бунинг акси: хорижий адабиётда «босмачилар» хакида хилма-хил асарлар яратилган. Шунинг учун хам, масалан, 1986 йилда Москвада нашр килинган А.И.Зевелев, Ю.А.Поляков, Л.В.Шишкиналарнинг «Басмачество: правда истории и вымысл фальсификаторов» монографиясида асосан инглиз, француз, немис ва бошка Европа тилларида чоп килинган адабиётлар тахлил килинган, холос. Хорижий Шарк халкпари тилларида «босмачилик харакати» бўйича эълон килинган асарлар эса совет историографиясида ўз ифодасини топган эмас. Холбуки, Ўрта Осиёда 1918—1935 йилларда олиб борилган «босмачилик харакати» тарихи факат Гарб эмас, балки Шарк муаллифларининг тадкикотлари ёки шу харакат катнашчиларининг хотиралари асосида хам ёзилиши керак. Айникса, замона зайли билан ватанни тарк этиб, ўзга юртларга кетиб колган ватандошларимизнинг эсдаликлари чукур ўрганилмоги лозим.      Маълумки, 1927—1932 йилларда Туркияда Туркистоннинг сиёсий, иктисодий, маданий хаётини ёритувчи «Янги Туркистон» журнали нашр килинган. Бу журнал Бухоро Халк Совет Республикаси Марказий ижрокўмининг собик раиси, 1922 йилда Афгонистонга, 1923 йилда эса Туркияга ўтиб кетган, Бухородаги жадидчилик харакатининг пешкадамларидан бири, 1909—1910 йилларда Истамбулда ўкиган Усмонхўжа — Усмонхўжа Пўлатхўжаев томонидан ва шу кишининг мухаррирлигида ташкил килинган. Журнал сахифаларида «босмачилик харакати» тарихини холисона баён этувчи кўпдан-кўп маколалар хам босилган. Мустафо Чўкаев томонидан Францияда нашр килинган «Ёш Туркистон» журнали хам тарихимизга, жумладан, «босмачилик харакати» тарихига оид кўплаб материаллар бериб борган.

Бу мавзуни хар томонлама тадкик этишда «босмачилик харакати»да катнашган кучларнинг микдори, ахволи, имконияти, кудрати, кураш шакли ва услублари, галаба козониш ва енгилиш сабаблари, харбий стратегия ва тактикаси, таникди кўрбошиларнинг таржимаи холи, ижтимоий ва диний карашларини гавдалантирувчи асарлар етарли даражада яратилгани йўк. Колаверса кўрбошилар ва уларга рахнамолик килган дин арбобларининг халкка мурожаатномалари, совет хукумати вакиллари билан олиб борган музокараларига оид хужжат ва материаллар тарихчилар томонидан янада чукур ўрганилиши лозим.

Мазкур харакат тарихини холисона ўрганиш ва янгича бахолаш билан боглик яна бир мухим масала бор. У хам бўлса Москва ва Санкт-Петербургдаги махфий архивларда сакланаётган манбалар билан танишиш ва уларни ўрганишдир. Масалан, РГАСПИ

архивининг 61, 62 ва 122-фондларида РКП(б) Марказий Кўмитаси Туркистон бюроси, РКП(б) ва ВКП(б) Марказий Кўмиталарининг Ўрта Осиё бюроси, 122-фондида РКП(б) МК, РСФСР ХКС ва Бутунроссия Марказий Ижроия Кўмитасининг Туркистон иши билан шугулланувчи комиссияси фаолиятига оид хужжатлар сакланган бўлиб, бу муассасалар 1919—1934 йилларда Тошкентда жойлашган ва фаолият олиб борган эди.
Россия Федерацияси Харбий давлат архивининг 110, 149, 278, 238, 256, 125 ва 131-фондларида Туркистон фронти армиялари бошкармаси, Фаргона фронти 3-Андижон — Ўш жанговар группаси штаби, Закаспий фронти бошкармаси, Еттисув Шимолий фронт бошкармаси ва бошка фронтларнинг архивлари сакланмокда. Худди шунингдек, ГАРФ архивида хам Ўрта Осиё тарихига оид бир катор архив фондлари бор. Бу архивларда 1918—1924 йиллардаги Туркистон ва Бухоро хукуматларининг Москвадаги мухтор ваколатхоналари, шунингдек, Ўзбекистон хукуматининг СССР хукумати хузуридаги Мухтор ваколатхонаси фондлари мавжуд. Санкт-Петербургдаги архивларда эса Туркистон мухторияти хакидаги хужжатлар сакланмокда. Бу архив фондларини чукур ўрганмасдан туриб Ўзбекистоннинг 1917— 1935 йиллардаги тарихини, хусусан, «босмачилик харакати»нинг хакконий тарихини яратиш махолдир. Бундан ташкари, ўша давр вактли матбуотининг катта бир кисми Москва, Санкт-Петербург кутубхоналарида, ихтисослаштирилган омборларда сакланмокда. Масалан, Туркистонда нашр этилган шундай газета ва журналлар борки (масалан, «Туркестанский голос», «Туркестанское слово», «Щит народа», «Голос Семиречья», «Знамя свободы», «Бухоро ахбороти», «Инкилоб куёши»), уларни Тошкентдаги кутубхоналардан топа олмаймиз. Уларнинг талайгина кисми Москвадаги Ленин номидаги давлат кутубхонасининг Химки шахридаги филиалида, собик Россия Фанлар академияси Ижтимоий фанлар илмий ахборот институти кутубхонасида сакланмокда.
Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизмати архивида хам «босмачилик харакати»ига оид материаллар борки, уларни хам атрофлича ўрганиш бу харакат тарихини хакконий яратиш ишига ёрдам бериши шубхасиздир. Фикримиз исботи учун куйида бу харакатга бошчилик килган кишилардан бири Носирхон тўра Саидкамолхон Тўраев хакидаги маълумотни келтирамиз.
Носирхон тўра наманганлик мударриснинг ўгли бўлиб, отасининг мадрасасида тахсил кўради. Бухорода ўкийди. Сўнгра Наманганда бош мударрис сифатида бутун Фаргона водийсида катта шухрат козонади. Чоризм салтанати агдарилгандан сўнг у ижтимоий фаолият билан шугулланиб, Наманган шахар думасига сайланади. 1917 йил 26—29 ноябрда Кўкон шахрида бўлиб ўтган Ўлка мусулмонларининг IV курултойида катнашади ва Туркистон мухторияти хукумати таркибига аъзо бўлиб киради хамда Халк маорифи вазири этиб тайинланади. Мухторият конга белангач, Носирхон тўра таъкибдан кочиб, яшириниб яшайди. Аммо бир йил ўтгач, очик фаолиятга ўтади ва 1923 йилга кадар Наманганда «Махкамаи шаръия» диний бошкармасига раислик килади.
ОГПУ хужжатларида ёзилишича, Носирхон тўра диний сохада фаоллик кўрсатиш билан бирга «Миллий иттиход» ташкилотининг Наманган бўлимига аъзо бўлади ва бу ташкилотнинг Косон шахридаги тармогини ташкил килади. 1924 йилда Косондаги батраклар уюшмаси бойларга карши кураш бошлаб юборганида унинг ташкилотчилиги билан дехконларнинг оммавий чикишлари юз беради. 1925 йили Носирхон тўра советларга карши фаолияти учун ОГПУ карори билан хибсга олинади ва Ўрта Осиёдан чикариб юборилади. У Оренбургда яшар экан, татар рухонийлари билан якин алокада бўлади. У ўзининг кўрган-билганларини «Оренбург мактублари» эсдалигида баён этади.

1928 йил охирида сургундан кайтиб келиб, Ўзбекистон, Киргизистон ва Козогистон шахарларида бўлади.
20-йиллар охири — 30-йиллар бошларида Ўзбекистонда зулм, хаксизлик, адолатсизликка карши «босмачилик харакати»нинг янги тўлкини бошланади. «Босмачилик»ка карши кураш бахонасида кўплаб бегунох кишилар жисмонан йўк килинади. Шундайлардан бири Носирхон тўра хам большевиклар томонидан отиб ташланади.
Фитрат 1937 йил 25 октябрда бўлиб ўтган тергов жараёнидан кейин бундай баённомани имзолашга мажбур бўлган: «Бизнинг ташкилотимиз «босмачилик харакати»га катта ахамият берган ва унга совет хокимиятига карши фаол кураш олиб борувчи курол сифатида кўпдан-кўп умид боглаган эди. Биз «босмачилик» бўлгуси буржуа миллий давлати миллий армиясининг тугилиши, деб караганмиз. Шунинг учун хам Муинжон Аминов, Ота Хўжаев (Отахўжа Пўлатхўжаев — муаллиф), Усмон Хўжанинг фаол иштирокида Файзулла Хўжаев «босмачилик харакати»га бевосита рахбарлик килиш билан машгул бўлди. Кулок-миллатчилик ишлари остида ташкил килинган «босмачилик харакати»ни РСФСР хукумати олдидаги совет хокимияти принципларига карши каратилган халк харакати, деб билганмиз».
Ўйлаймизки, Фитрат терговчи томонидан ёзилган ва сохта фактларга асосланган бу баённомани жисмоний тазйик остида тасдиклаган бўлса-да, унда «миллий иттиход»чиларнинг «босмачилик харакати»дан кузатган максади умуман тўгри ифодаланган.
«Миллий иттиход»нинг истикдолга эришиш максадида бошлаган фаолияти шунга олиб келдики, 1920— 1924 йилларда Мулла Абдулкаххор, Жўра Амин, Му род Мешкоб, Митан Полвон ва бошка кўрбошилар рахбарлигидаги совет давлатига карши харакат бутун Зарафшон водийсини камраб олди. Фаргона водийсида хам ахвол шундай эди. Бу харакат иштирокчилари хорижий давлатлар билан хам алока ўрнатдилар.
Совет даврида «босмачилик харакати» номини олган, иштирокчилари эса «аксилинкилобчилар» ва «халк душманлари» деб кораланиб келинган куролли харакат ана шу тарзда большевикларнинг Ўрта Осиё, хусусан, Ўзбекистондаги мустамлакачилик сиёсатига карши бошланди. Шунинг учун хам бу харакат мустакиллик даври тарихчилари томонидан Туркистонда совет режимига карши куролли харакат ёхуд истиклолчилик харакати сифатида талкин этилиб келинмокдаки, бу мутлако тўгридир.
Тарихий хужжатлардан шу нарса маълумки. 1909 йилда Туркистонда 7 миллион ахоли яшаган. Шундан 2,5 миллиони ўзбеклар, 2,4 миллиони козок-киргизлар, 1,3 миллиони тожиклар, 0,6 миллионини эса руслар ташкил этган. 1920 йилги ахоли рўйхатига кўра, Туркистон республикасида 5 миллион 250 минг ахоли яшаган. Демак, 11 йил ичида Туркистон ахолиси кишига камайиб кетган. Холбуки, ахолининг табиий ўсиши чор хокимиятининг бошка ўлкаларига караганда Туркистонда юкори бўлган. Колаверса, шу давр ичида ички Россиядан кўплаб кишилар Туркистонга кўчириб келтирилган. Шундай экан, нега бунчалик ахоли камайиб кетган? Бунинг асосий сабаби 1916 йилги миллий-озодлик харакати ва инкилобнинг дастлабки йилларида кўплаб кишиларнинг кирилиб кетишидир. Статистик маълумотларга караганда, факат фукаролар уруши окибатида чор салтанатида 1921 йилга кадар 800 мингдан зиёд киши халок бўлган, шундан 200 мингдан зиёди Туркистонга тўгри келади. Карийб 140 миллион ахолилик мамлакатда уруш йилларида 800 минг киши халок бўлган бўлса, 7 миллионлик ахолига эга бўлган Туркистонда 200 мингдан ортик киши махв этилган. Демак, бошка ўлкаларга караганда

Туркистонда кўпрок кон тўкилган. Аник бўлмаган маълумотларга кўра, дашноклар бандаси томонидан 1918 йил ва 1919 йилнинг биринчи чорагида чорагида Маргилонда 7 минг, Андижонда 6 минг, Наманганда 2 минг, Бозоркўргон билан Кўкон ўртасидаги кишлокларда 4,5 мингга якин ахоли ўлдирилган, азобланган. Халкнинг бу сингари дахшатлар билан ортик муроса килиши мумкин эмас эди.
Миллий истиклолчилик харакати тарихидек кенг камровли масалани хар томонлама ёритиш учун шу харакатнинг юзага келишига асосий сабаб бўлган Туркистон мухториятининг зўравонлик йўли билан туга- тилиши ва дашнокларнинг совет хокимияти номидан иш кўриб, Фаргона халкига нисбатан килган ёвузликлари хакидаги хакикатни аниклаш ва юзага чикариш мухим ахамиятга эга. Дашнокларнинг Фаргона водийсидаги ёвузликлари ўз даврида Туркистон хукуматининг айрим миллий рахбарлари томонидан кескин фош этилган, уларнинг айримлари ўша танкидлари хам сабаб бўлиб 30-йилларда катагон килинган.
Дашнокларнинг Андижон уездида олиб борган боскинчилик харакатига жавобан бошланган куролли харакат тўгрисида Турор Рискулов бундай ёзган эди: «Босмачилар Андижон шахрида бирмунча муваффакиятга эришдилар, натижада 70 та милтик, бир неча минг ўкка эга бўлишди. Дашноклардан иборат харбий калъа бу вокеада бутун айбни эски шахарликлар бўйнига юклади. Шу муносабат билан бўлинма митинги чакирилиб, Эски шахарни тинтиб чикиш учун карор кабул килинди. Тинтув бир хафта давом этди. Ўгирлик, котиллик, зўрлаш ходисалари содир бўлди. Тинтувдан сўнг эскишахарликларнинг кўпчилиги босмачиларга кўшилиб кетди.
Окибат шу бўлдики, бир неча кундан кейин 170 кишидан иборат дашноклар отряди босмачилар томонидан куршаб олинди ва битта колдирмай чопиб ташланди. Шундан сўнг ахолини босмачиларга ён босишда айблаш бошланди. 170 кишининг ўрнига шахар кўмитаси раиси Салаев бошчилигида 250 кишидан иборат отряд тузилди ва Кўконкишлокка хужум килиниб, бironта уй колдирмай ёкиб юборилди.
Кочиб кетган кишлок ахолисини 20 чакиримгача кувлаб боришди ва бирма-бир киличдан ўтказишди. Бошка бир отряд босмачиларга Сузок кишлоги атрофида дуч келди: босмачилар кишлокка кириб яшириндилар. Сузок куршаб олинди ва аёвсиз ўкка тутилди. Кишлокдан кочиб, дарё бўйига яширинган ахолига карата ўт очилди ва бирор-бир тирик жон колдирмай, кириб ташланди. Бир ойлар чамаси кўмилган мурдаларни итлар гажиб ётишди.
Бозоркўргонга борган Коновалов бошчилигидаги учинчи отряд эса, иложи борича ўз харакатини сир тутишга интилди ва тахмин килганларидек, босмачиларга дуч келгач, кутилмаганда гойиб бўлдилар. Коновалов Бозоркўргонда кетар экан, кўшни Никольское кишлоги (хозирги Бозоркўргон билан Асака ўртасида жойлашган кишлок — муаллиф) даги русларга Бозоркўргонни босмачилардан тозалашни топширди ва бу кишлокни Никольскоедаги рус «кулок»лари уч хафта давомида обдон «тозалашди». Аввалига, шунчаки талон-торож килишди, сўнг хеч нимани сўраб-суриштирмай, эркакларни босмачиларни кўллаб-кувватлагани, болаларни эса, бир неча йилдан сўнг босмачи бўлиб етишиш мумкинлиги учун отиб ташладилар. Нихоят, улар ахолига улганларни кўмиш ўчун рухсат беришди. Халк мурдаларни олиб, диний урф-одатларни бажо келтираётганида, «кулок»лар такрор хужум килиб, намоз ўкиётганларнинг хаммасини ер тишлатди... Дашнок ва кулокларнинг бу хил харакатлари (бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин) босмачилар сафининг яна хам кенгайишига сабаб бўлди».
Кўрбошилар ўз сафларини мустахкамлаш, курол- ярог сотиб олиш ва озик-овкат билан

таъминланиш учун кишлок ахолисига солик солганлар, иродаларига бўйсунмаган кишиларни жазолаганлар. Масалан, Козок кўрбоши Андижон шахридаги Уйлик дахасининг элликбошиси Тўхтасинга куйидаги талаб билан мурожаат этган: «Жаноби Исроилбек Гозий амрига мувофик бой синфига мансуб ахолидан тезлик билан 300 минг сўм тўплаб, уни мусулмон аскарлари фойдасига келтиришингизни талаб этаман. Пулни келтириш пайсалга солинадиган бўлса, катъий жазоланасиз».
Шу даха оксоколи Мухтор охунга келган хатлардан бирида бундай дейилган: «Шошилинч тарзда ўзига тинч бойлардан исломнинг жасур лашкарларига ёрдам ва хайрия учун марказий банк хисобидан бир миллион сўм пул йигиб топширишингизни буюраман... Ислом кўшинлари бош кўмондони Шерматбек Гозий».
Жалабек кишлоги аминига Умрзок кўрбоши эса мана бу хатни йўллаган: «Шерматбек Гозий фармонига кўра, сиз 3 кун муддат ичида кўшинлар учун 100 минг сўм тайёрлаб кўйинг. Айтилган фурсатда бажармасангиз, аёвсиз жазоланасиз. Пулни бой ва камбагаллардан мутаносиб тарзда йигинг».
Пойтуг хокими Аскар Алидан Чўнг Багиш оксоколига 1921 йил 23 мартда келган хатда эса бундай сўзлар айтилган: «Ушбу билан барча элликбошиларга маълум киламан хамда буюраманки, мусулмон кўшинларининг бош кўмондони баходир Шерматбекнинг амрига мувофик Мулла Абдукарим Мулла Мухаммад Назар Охунов халк козиси этиб тайинланди. Шундан эътиборан у барча ишларни шариат асосида кўра бошлайди. Васика, никох, мулк ва бошка масалаларнинг хаммаси шариат асосида кўрилади. Бу хакда бутун ахолини хабардор киламанки, бундан кейин хамма халк козисига мурожаат этсин».
Бундай хужжатлар шундан далолат берадики, агар куролли харакат галаба козонган такдирда хам Ўзбекистонда замонавий дунёвий давлат эмас, балки диний кадриятлар устуворлик килган давлат тузуми барпо этилган бўларди. Шунга карамай, айтиш жоизки, большевизмга, совет давлатининг мустамлакачилик сиёсатига карши кураша оладиган бошка бирор куч бўлмагани учун бу тарихий вазифани харакат рахбарлари ўз зиммаларига олдилар.
Партия, совет ва харбий ташкилотларнинг жойлардаги фаолиятларида ўта сўллик ва зўравонликка йўл кўйганликлари хам мазкур харакатнинг авж олишига сабаб бўлди. Шу нуктаи назардан Туркистон Халк Комиссарлари Совети ва Фаргонада «босмачилик»ка карши кураш бўйича тузилган «учлик»нинг раиси К.С. Отабоевнинг 1922 йил 25 февралда Андижон уезди масъул ходимлари билан ўтказган кенгашдаги каттагина нутки эътиборга сазовор. У кенгашда «босмачилик»ни харбий куч билан тугатиб бўлмаслигига икрор бўлиб, тўрт йиллик кураш давомида Фаргонанинг махаллий шароити, турмуш тарзи, умумий холати хисобга олинмагани, шунинг учун хам бу харакатнинг миллий тус олганини айтиб, бундай дейди: «Босмачилар ўзларини дин химоячилари ва русларнинг душмани деб эълон этдиларки, бу билан улар махаллий туб ахолининг хурматини козонмокчи бўлдилар. Большевизм билан кураш олиб боришни босмачиларга ок гвардиячилар ўргатди. Босмачилик...вакт ўтиши билан ўз жараёнида диний ва миллий тус ола бошлади».
Мазкур йигилишда Ёкубжон Исакулов сўз олиб, бундай дейди: «Харбий кўмондонликда жойлашиб олган шахсларнинг махаллий ахоли турмуши ва психологияси билан таниш бўлмаслиги туфайли хозирги вактгача босмачиликни тугатиш имкони бўлмаяпти. Жазо органлари бошида европалик ўртоклар жойлашиб олганларки, улар хам махаллий ахоли психологияси билан таниш бўлмасдан, кандайдир ярамаснинг ёлгон чакуви бўйича

масъул мусулмон ходимларни судга бердилар ва хатто отиб хам ташладилар, бу эса босмачиликни тугатиш масаласида мусулмон ходимларнинг совиб кетишга сабаб бўлди».
1922 йил 12 майда Туркистон Компартияси Марказкўмининг V пленуми «Босмачилик билан курашиш ва ТКПнинг Туркистондаги навбатдаги вазифалари» масаласини мухокама килди. Пленум ишида РКП(б) МК Туркистон бюроси аъзоси С. М. Гусев, РКП(б) МК аъзоси Г.К.Орджоникидзе катнашдилар. Марказкўм котиби Н.Тўракуловнинг маърузаси бўйича мухокамада К.С.Отабоев, Врачев, И. Хидиралиев, Бурнашев, Казарин, Миржамолов, Султон Хўжаев, С.И.Гусев, Юдовкин, Соловьев, Г.К.Орджоникидзелар сўзга чикдилар. К.С.Отабоев ўз нуткида Фаргонадаги ахвол сабабларини билмагунча бу масалани хал этиб бўлмаслигини таъкидлаб, бундай деди: «Фаргонада рўй берган вокеа босмачилик эмас, балки халк кўзголонидир. Босмачилик ундан олдин бўлган. Вазиятни хисобга олишдаги укувсизлигимиз туфайли дастлабки йилларда «Йўколсин бойлар, дин, шариат! Яшасин совет хокимияти!» каби шиорлар остида совет хокимияти ўрнатилди...»
К.С.Отабоев кимга карши кураш олиб борилган бўлса, халк оммаси шу «жабрдийдалар»га хайрихох бўлганлиги хакида сўзлаб, шундай деди: «Хожимат эшон (собик авлиё) ахоли хурматини козониб, узок вакт давомида босмачиликни бошкаради. Бу ерда иктисодий сабаблар бор эди: майда кустар корхоналарнинг миллийлаштирилиши, пахта заводларининг ёпиб кўйилиши натижасида бир гурух ишчилар босмачилик кучогига ташландилар. Биз ўрток Ленинга суикасд килиниши муносабати билан бойларни суикасдликда айблаб, камокхоналарга ташладик. Биз ахолининг барча нуфузли катламларини кувиб юбордик ва босмачилик советларга карши харакат тусини олди, бутун ахоли томонидан кўллаб-кувватланди, диний урф-одатларни ва миллатни большевиклардан химоя килишга отланди. Босмачилик билан кураш бошланган эди, аммо бу кураш уни тугата олмади. Бу хам босмачиликнинг ривожига янги сабаб бўлиб хизмат килди». Кўрамизки, советлар «босмачилар»га карши курашиш жараёнида тинч ахолига хам бекиёс даражада катта жабр-зулмлар келтирди ва шунинг натижасида улар куролли харакатга кўпрок ёрдам бердилар.
Мазкур харакатнинг узок йиллар мобайнида давом этишининг сабабларидан яна бири совет жазо муассасаларининг фаолияти билан боглик. Улар, миллий таркибига кўра, руслардан иборат бўлиб, туб ахолининг истак-хохиши билан мутлако хисоблашмас эдилар. Улар ахолини бекордан-бекорга отиб, камокхоналарда кийнаб, ушлаб турардилар. Шунинг учун хам К.С.Отабоев ўз нуткида Туркистонда «босмачилик» махаллий ахолининг ўз кучи билангина тугатилиши мумкинлигини, ЧК органларидаги Иванов, Петров каби ходимларнинг махаллий халкка ёт кишилар бўлганлиги сабабли уларнинг бу харакатга карши танлаган кураш усул ва услублари самара бермаслигини, «босмачилик»ка карши курашиш учун жазо органларини, харбий инкилобий кенгашларни, совет-партия муассасаларини махаллий ходимлар билан тўлдириш ва бу ишни уларга топшириш зарурлигини айтади.
И.Хидиралиев ўз нуткида К.С.Отабоевни кўллаб- кувватлаб, шундай деганди: «Ўрток Отабоев ўзининг киска маърузасида Фаргонада юз бераётган дахшатларнинг юздан биринигина келтирди. Фаргонадаги хозирги ахвол бизнинг хатоларимиз натижасидир. Авваллари пахта ва гуручнинг базаси хисобланган бир катор йирик кишлоклар эндиликда кахатчиликни бошидан кечирмокда. Шунинг учун хам очликни кечирмокдаларки, 20-йилда босмачилар жойлашган жойлар- дан кизил аскарларнинг овкатланиши учун озик-овкатларни олиб чикиб кетиш методи кўлланган. (Шунинг учун хозир у ерда кахатчилик хукм суриб, хатто экиш учун хатто уруг хам етишмаяпти.)

Натижада биз ахолини очликка дучор килдик. Сўнгра шариатни хакорат килиш масаласидаги номаъкулчиликларни хам таъкидлаш зарур, мадрасалар казармаларга айлантирилди. Босмачилар билан курашда халок бўлганлар диний расмларсиз дафн килинмокда. Буларнинг хаммаси махаллий ахолини газабга келтирмокда. Булар махаллий ахолининг нафратини уйготмокда, деб айтган ходимлар миллатчиликда айбланмокдалар ва таъкиб этилмокда. Шу боис улар совет хокимиятидан босмачилар томонига ўтиб кетмокдалар...
Босмачилар билан курашиш учун тузилган махаллий полклар таркатилиб юборилмокда. Хаттоки ўрток Зиновьев босмачилар билан курашиш учун «бегона»ларга, яъни махаллий ахолига биронта хам милтик бермаслигини эълон килди... Петерс отряди тинч ахолидан 130 кишини килич билан чопиб ташлади, худди шундай фожеа Андижон уездида хам содир бўлди. Босмачилар кетганидан сўнг тинч ахолидан 45 киши сўйиб ташланди. Петерс отряди шундай хатти-харакатлари билан шугулланаётган бир пайтда, ўрток Эйхманс фармонига кўра, сиёсий бўлимда махаллий масъул ходимлар устидан тергов ишлари олиб борилмокда. Бундан Тошкент хам, Марказ хам хабардор. Эндиликда сиёсий ён беришлар билан ўша вактда килинган хатоларимиз жазосини тортаяпмиз».
Врачев Бухорода авж олган «босмачилик» хакида тўхталиб, бу ерда харакат маълум маънода халк кўзголони, исёни характерига эга бўлаётганини кайд этиб, «босмачилик»нинг Самарканд, Закаспий, Сирдарё вилоятларида хам ривожланиб бораётганини асослаб беради ва шундай огир вазиятда Фаргонада хато сиёсат олиб борилаётганини танкид килади.
Куролли харакатда минтакалар, миллий районларнинг ўзига хослиги билан боглик фарклар, хусусиятлар хам бўлган. Масалан, Туркманистондаги Жунаид- хон бошчилигидаги харакат билан Тожикистондаги Иброхимбек рахбарлигидаги харакатда, Фаргона водийсидаги Мадаминбек бошлик харакат билан водийнинг киргиз ахолиси яшаган Мухиддин, Жонибек кози каби кўрбошилар бошлик харакатда талайгина миллий ва махаллий хусусиятлар бўлганки, буларни эътибордан четга колдирмаслик керак. Шу билан бир каторда советларга карши куролли харакатда кайси минтакада бўлишидан катъи назар кўпдан-кўп умумийликлар бўлган хамда курашувчи гурухлар бир-бирлари билан ўзаро кўшилиб кетганки, шунинг учун хам мазкур харакатни атрофлича ўрганмай туриб унга тўгри бахо бериб бўлмайди.
Ўйлаймизки, миллий истиклол харакати хакидаги янги далиллар, хужжатлар, материаллар, фикр ва мулохазалар канчалик кўп бўлса, тарихимизнинг бу гоят мураккаб даврини тўгри талкин ва тахлил килиш имконияти хам шунчалик кўп бўлади.

Наим Каримов